## БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

### Тошга айланган хотира

***- Ўзим каттақўрғонликман, - дея сўз бошлайди хонамга кириб келган киши. - Бир куни Самарқанд шаҳрига келдим. Дафъатан йўл ёқасидаги мармар цехи ва унинг деворига суялган қабртошларга кўзим тушди.***



Аввалига эътибор бермадим, кейин янги ясалган тошларнинг биридаги ёзув диққатимни тортди. Унда ҳарбий хизматда танишиб, дўст тутинган, кўп йиллар қуюқ борди-келди қилган биродарим - Мақсуджоннинг исми-фамилияси, бир мисра шеър ва "Фарзандларидан ёдгорлик" деган сўзлар ёзилган эди. Ўқидим-у ҳушим бошдан учаёзди.

Карахт аҳволда ўй-хаёлимни чалкаш фикрлар эгаллади. Мақсудни охирги марта қачон кўрганимни эсладим. 1998 йилнинг ёзи эди ўшанда. Қандайдир иш билан Жума бозорига келгандим. Уни шу ерда учратдим. "Шуми оқибат, бир келайинам демайсан-а", дея ўпка-гина қилди у. Унинг гапида жон бор эди, ўшандан бир йил илгари кичик ўғлини меникига жўнатиб, тўйига чақиртирганди. Рўзғор ишларидан ортиб, боролмагандим. "Ният бор, насиб қилса невара қуллуқ бўлсинга оилавий бўлиб борамиз, биз қарздор", дея кўнглини кўтардим. Ўша куни "Жумага келибсан, уй бир қадам, юр, жиянларингни кўриб кетасан", деб қистади. Мен эса унамадим. Шу ерда хайрлашдик.

Очиғи, эндиликда марҳум дўстимнинг хонадонига... Қай юз билан боришни билмайман. Ўғиллари амаким деб суяр, хотини ака, деб ҳурмат қиларди. Мен эса етти йил келмадим. Бу оқибатсизликка қандай жавоб бераман? Афсус...

**Акрам ҲАЙДАРОВ,**
**Самарқанд.**

### "Қарз бўлиб қолмайлик!"

***Абдураҳим шифокор кенжа ўғлини уйлаш тараддудига тушди. Хотини орқали сўраб-суриштириб, Абдуллажон қўшни туманлик Нигора исмли қиз билан аҳди-паймон қилиб қўйганини билди. Кенжатойининг раъйини қайтармаслик учун айтилган ҳовлига совчи юборилди. Бироқ бу нозик масала ечилавермагач, отанинг ўзи аралашишга мажбур бўлди.***



Қизнинг отаси бой-бадавлат, ўзига бино қўйганлардан экан, дарҳол гап мавзусини дабдабали тўйга бурди.

– Мана, - деди у ниҳоят сўзининг якунида, - сиз оддий шифокор экансиз, айтинг-чи, мен ўйлагандай тўй қилишга қурбингиз етадими?

– Икки ёшнинг бахти дабдабали тўй билан боғлиқ эмасдир, ахир, - деди Абдураҳим ака. – Устига-устак фарзандларимиз аҳди-паймон қилиб қўйишган экан...

– Нигора ҳали гўдак, - чўрт кесди мезбон. – Ҳаёт эса у ўйлагандан кўра анчагина мураккаб. Хуллас калом, кўрпангизга қараб оёқ узатинг биродар...

Абдураҳим аканинг кўнгли чил-чил синди. Ҳаммадан ҳам Абдуллажонга қийин бўлди. Чунки, бош эгиб борган хонадонидан бундай ҳақорат кўрган ота жаҳл устида кенжатойини қайнисининг қизига унаштириб, тез орада уйлантириб ҳам қўйди.

Орадан уч ой ўтди. Ярим тунда Абдураҳим акани телефоннинг асабий чинқириғи уйғотди. Шифохонага аҳволи оғир бемор келтирилган, зудлик билан уни жарроҳлик столига олиш керак экан. Ярим соатга қолмай Абдураҳим ака иш ўрнида эди. Келтирилган бемор эса... қўшни туманлик Нигоранинг отаси эди.

Бемор операциядан яхши чиқди. Абдураҳим ака гарчи унинг хонадонидан кўнгли синиб қайтган эса-да, касб нуқтаи назаридан ундан тез-тез хабар олар, ҳол-аҳволини суриштирарди. Икки ҳафталардан сўнг кетишга рухсат теккан бемор Абдураҳим аканинг хонасига бош суқди.

– Дўхтир, биз қайтдик, - деди ғалати илжайиб. – Раҳмат. Мана бу... сизга.

У шундай деб чўнтагидан қалингина конвертни чиқариб беписандлик билан иш столининг устига ташлади.

– Бу... нима? – ранги оқариб, эътирозли оҳангда деди шифокор.

– Қарз бўлиб қолишни истамайман. Яна эртага ортимдан керилиб юрманг, яхшиси ҳисоб-китобимизни қилиб қўяй, дедим...

Абдураҳим ака ғазабдан қизариб кетган эса-да, шайтонга "ҳай" берди. Ўзини босди. Конвертни четидан авайлаб ушлаганча, беморнинг олдига суриб қўйди.

**Беҳзод ҚОДИРОВ**

### Сўнгги пушаймон

***Кўчамиздан ўтаётиб, рўпарамдаги ҳовлидан келаётган бақириқдан чўчиб кетдим. "Ўлиб кет, қария, ҳамма жойни тўзитиб юборибсан-ку!" Дарвоза зарб билан ёпилди-да, мункайган чол кўчада қолди. Ичкаридан яна узоқ вақт шанғиллаган овоз тинмади. "Ия, Карим бобо-ку?!" ҳайратимни яшира олмай тикилиб қолдим.***



Буни сезган Карим бобо кўзларини енгига артганча, катта кўча томон кетди.

Мен келиннинг қайнотага бўлган муносабатини кўриб, узоқ вақт ўзимга келолмай юрдим. Ахир ўғиллари билмасмикан буни? Бир эмас, беш бирдай ўғли бўлса. Бари топармон-тутармон. Охири бувимга ёрилдим.

– Ҳеч кимни қариганда хор қилмасин, – дейди бувим, – лекин унга одамнинг ўзи сабабчи эмасмикан, деб ўйланиб ҳам қоламан. Карим ака бир вақтлар шаҳримизнинг манаман деган бадавлат кишиларидан эди. Биров мушугини "пишт" демас, соясидан чўчирди.

Бойлик одамнинг кўзини кўр қилар экан-да. Айшу ишратга берилиб, рўзғорини ҳам унутиб қўйганди. Хотини раҳматли "Ҳали хор бўласан, бу кетишинг бўлса...", деб зорланарди. Карим акага давлат қанчалик тез келган бўлса, кетиши ҳам шундай бўлди. Иши юришмай, бор бисотини сотди. Ахийри, "Газ-24"ни пуллаб, уйи олдидан дўкончa очди. Ҳозир келини савдо қиляпти унда. Ота меҳрини кўрмаган болалар отага меҳр бера олармиди?

Бувим ҳақ гапни айтдилар. Эҳтимол, Карим бобо ўша хатоларини бугун англаб етгандир. Лекин уни тўғрилаб бўлармикан? Назаримда, бунинг учун қайта туғилмоқ керак.

**Шоҳсанам ЛАТИПОВА**

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг матбуот учун ахбороти

(Боши 1-бетда)

Миссия Президент Ислом Каримов томонидан 2005 йил январда илгари сурилган иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли дастурни юқори баҳолайди. Мазкур дастур иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни кўзда тутади. Ушбу дастурнинг асосий устуворликлари хусусийлаштириш кўламини кенгайтиришдан, хусусий бизнес ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоялаш тизимини яратиш орқали унинг фаоллигини сезиларли даражада оширишдан, банк-молия тизими, уй-жой ва коммунал хўжаликни ислоҳ қилишни давом эттиришдан, шунингдек, солиқ қонунчилиги ва солиқ бошқарувини такомиллаштиришдан иборатдир.

Миссия таъкидлайдики, бу чора-тадбирлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали, шунингдек, тузилмавий ислоҳотларни давом эттириш, жумладан ширкатларни кескин тугатиш ва уларнинг негизида хусусий фермер хўжаликларини ташкил этиш, жамғариладиган пенсия тизимини амалга киритиш билан бирга Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг ўрта муддатли прогнозларини анча яхшилаш имконини беради.

Миссия Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг яқинда қабул қилинган тижорат банклари ўз корреспондент ҳисоб рақамларидан чекловсиз фойдаланишини, жумладан накд пул олишни таъминлаш тўғрисидаги қарорини маъқуллади. Бу накд пул танқислигига тўлиқ барҳам беради.

Миссия ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш юзасидан қатор тавсиялар берди. Жумладан, миссия ҳали мулкида давлат улуши мавжуд бўлган банкларни хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоғини, ички ва ташқи савдони янада эркинлаштиришни тавсия этди. Бу тавсиялар иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳукумат томонидан жиддий ўрганиб чиқилади.

Миссия самимий ҳамкорлик, самарали ва очиқ мулоқот учун ҳукумат органларига миннатдорлик билдирди.

## Инсон манфаати кафолатлари

(Боши 1-бетда)

Бу орқали инсон ҳуқуқлари улуғлиги яна бир маротаба исботини топди. Фуқароларнинг давлатга, суд ва терговидораларига, энг муҳими, қонуннинг кучига ишончини янада мустаҳкамлади. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ўта муҳим қадриятлардан бири - Инсоннинг улуғланиши ва унинг демократия шароитида яшашига муносиблиги фалсафий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан асосланишидир. Юртбошимизнинг "оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазолар жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда" деган сўзлари бугунги кунда ҳақиқатга айланган. Сабаби, ушбу қонун қабул қилингунга қадар биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноятларга қўл урган шахсларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташга юборилиши айрим вақтларда оилаларнинг бузилишига, шахсда бор бўлган ижобий хислатларнинг ўзгаришига, яқинларидан бегоналашувига сабабчи бўлиб, маҳкумларни қайта тарбиялашда самараси камлигини исботлаб, такрорий жиноятларнинг содир бўлишига олиб келгани илмий жиҳатдан ҳаётда исботланган. Янги қонуннинг амал қилиши билан озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг муддатлари камайди, айрим ҳолларда жарима жазосига айлантириладиган бўлди. Бинобарин, жиноятларга қарши самарали кураш олиб бориш жазоларнинг оғирлигига эмас, балки қонунни бузишга йўл қўйган шахснинг жазо муқаррарлигини онгли равишда тушуниб етишига боғликдир.

Шунингдек, ярашув институтининг миллий қонунчилик даражасида жорий этилишини ҳам давлатимизнинг жамоатчиликка қарши кураш сиёсатидаги туб бурилиши, десак бўлади. Ярашув жараёнининг моҳияти шундаки, агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилган шахс муқаддам судланмаган бўлса, ўз қилмишининг оқибатларини тушуниб етиб, етказилган зарарни бартараф этса ва жабрланувчи билан ярашса, бундай ҳолларда суд жиноят ишини ҳаракатдан тугатади. 2004 йил давомида биргина Амударё тумани жиноят ишлари судида ярашиш йўли билан 45 та жиноят иши ҳаракатдан тугатилиб, 47 нафар кишига судланганлик тамғаси босилмади. Ишларнинг 11 таси айблаш фикри билан судга келиб тушиб, суд жараёнида жабрланувчи ва судланувчиларга ярашиш институти мазмуни тўла тушунтирилгандан кейин судланувчи ва жабрланувчилар ярашган, сўнг ишлар тугатилган.

Шу ўринда айтмоқчи эдикки, бу институтни қўллашда дастлабки тергов жараёнида алоҳида эътибор бериш лозим. Ярашув институтининг моҳиятини тушунтиришда масъул шахслар фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳужжатларни юзаки ва номига расмийлаштирмасдан, ишга масъулият билан ёндошиб, ярашув ҳақиқий инсонийликни, ўзаро ҳурмат туйғуларини акс эттириши, ярашганлар ўртасида муносабатлар доимий давом этишини назардан четда қолдирмасликлари лозим. Шундагина жиноят процессидаги шахснинг қонуний манфаатларига мос иш тутган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари акс этган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилган, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада ривожлантиришга кўмаклашган бўламиз.

Бундан ташқари, қонунларга киритилган ўзгартиришлар ва бу борадаги ислоҳотларнинг амалиётда қўлланиши натижасида бир неча йиллардан буён иқтисодий жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига жарима тарзидаги жазоларнинг белгиланаётганлиги, зарарни ундиришда мажбурловдан ташқари ишонтириш усулининг жорий этишга қонунан рухсат берилганлиги ижобий ҳолдир. Бу эса айбдорга иқтисодий жиноятда етказилган зарарни қоплаб, озодликдан маҳрум қилинмаслик чорасини танлаш ҳуқуқини берди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бошқарувида, суд тизими ва ҳуқуқ-тартибот органларида ўтказилаётган ислоҳотлар, аввало, фуқароларнинг эркинлиги ва конституциявий ҳуқуқларини кафолатлашга, қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик тамойиллари тантана қилишига йўналтирилган бўлиб, унинг тўла-тўкис бажарилиши мақсаднинг рўёбга чиқишини таъминлайди.

**Шукуржон РАЖАПОВА,**
**Амударё тумани жиноят ишлари бўйича судининг раиси.**

## Маҳаллий маҳсулот рекламаси

***Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида реклама бўйича идоралараро кенгашнинг мажлиси ўтказилди.***

Унда реклама бўйича идоралараро кенгашнинг 2005 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларини кенг реклама қилиш тадбирлари» ни бажарилиши ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан товарларни реклама қилиш бўйича олиб борилган ишлар муҳокама қилинди. Мажлисда бу борадаги ишлар етарли эмаслиги қайд этилди.

Республикамиздаги корхоналар томонидан маҳаллий маҳсулотлар рекламаси учун 2004 йилда 618 миллион сўм сарфланиши режалаштирилган бўлиб, амалда 671,3 миллион сўм сарф этилган. Жумладан, телевидениеда реклама учун 203 соат, радиода 323, 8 соат, газеталарда 1 минг 107,6, журналларда 2 минг 760 квадрат метр ажратилган. Шунингдек, ташқи реклама учун 303,7 миллион сўм, интернет тармоғида тўрт миллион сўм сарф қилинган.

Кўпгина компания, уюшма ва бирлашмалар ўзимизда тайёрланган маҳсулотларни чет давлатларда реклама қилишни қониқарсиз аҳволда олиб боряпти. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларни реклама қилишдаги муаммолар, уларни бартараф этиш ҳамда маҳаллий реклама саноатини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишлар режалаштирилиб олинди.

Йиғилишда жорий йилнинг июн ойида Тошкент шаҳрида МДҲ давлатлари иштирокида ўтказиладиган Симпозиумга тайёргарлик кўриш юзасидан ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

**«Туркистон-пресс»**



Касби туманидаги Шароф Рашидов номли ширкат хўжалигининг "Ризқ" чорвачилик фермаси Голландия технологияси билан жиҳозланган. Бу ерда кунига икки ярим тонна сут ишлаб чиқарилиб, шунинг бир ярим тоннадан ошиқроғи қайта ишланмоқда ва аҳолига пишлоқ, сариёғ, қаймоқ, сузма, творог каби ўнга яқин маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Фермадагилар жорий йилда жами 600 тонна сут маҳсулотлари сотишни режалаштирган.

СУРАТДА: ишчи Сунбула Ғайбуллаева.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

## Раҳбар ҳам, фуқаро ҳам масъул

(Боши 1-бетда)

У киши сизларга ҳаммасини тушунтириб беради", дея чиқиб кетди-ю, негадир беш дақиқадан кейин "Ҳаммасини тушунтириб бера оладиган масъул" қаергадир кетиб қолганини маълум қилди.

Бош муҳандиснинг эса "сотка"си ишламасмиш. Бахт шаҳрида истиқомат қилаётган корхона раҳбари Адҳам Маматов 11 март куни Гулистон шаҳрига йиғилишга кетганича 14 март кунига қадар етиб келмаган!

Таажжубимиз ошди... Корхона раҳбари бир неча кунлаб корхонадан хабар олмаса, қишлоқда ойлаб электр токи бўлмаса, қишлоқларга бириктирилган корхона ходимларининг исми-шарифларини навбатчи маъмурлар билишмаса, қаерда ток бор-йўқлиги тўғрисида ахборотга эга бўлишмаса... буни қандай тушуниш мумкин? Шунингдек, "Андижон" қишлоғида трансформатор ёниб кетган бўлса, уни таъмирлаш, истеъмолчиларнинг дардига қулоқ солиш электр таъминоти корхонаси раҳбарларининг вазифаси эмасми? Ахир истеъмолчилар тўлаётган электр ҳақи электр тармоқлари корхонаси ҳисоб рақамига тушади-ку?

Дарвоқе, ниҳоят уч кун деганда Оқолтин тумани электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Умрзоқ ака билан телефон орқали боғланиб, юқоридаги ҳолатларга аниқлик киритишни, "Андижон" қишлоғи аҳолисининг ойлаб электр токисиз қолаётганлиги сабабларини сўраганимизда, у киши: "Сиз менинг қўл телефонимга тушдингиз, мен ўзим сизларга кабинетимдан телефон қиламан", деганича дом-дараксиз кетди. Кейин уни на телефондан, на иш хонасидан топа олдик. Хуллас...

Фуқаро истеъмолчи сифатида ўз мажбуриятини англаб, ўз ҳуқуқини ҳар турли гап-сўзлар етовида эмас, қонуний йўллар билан талаб этмоғи шарт, айни шу ҳолатда мутасадди раҳбарлар ҳам масъулиятни ҳис қилмоғи лозим.

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбирлари .**

## Экспорт салоҳияти ўсмоқда

***Ўзбекистон-Швейцария «АИМ-Текстиль» қўшма корхонасининг иккинчи навбати ишга туширилди.***

— Бўёқчилик ва тўқимачилик цехларининг ишга туширилганлиги туфайли, корхонамиз йилига 8,4 минг тонна тўқимачилик матоларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди, — деди қўшма корхона Бош директори Толибжон Мадаминов «Туркистон-пресс» мухбирига.

Мазкур корхонанинг биринчи навбати 2003 йил сентябрида иш бошлаб, 3,5 минг тонна ип калава ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Ишга туширилган янги цехлар тайёр маҳсулот экспортини 70 фоизга ошириш имконини берибгина қолмай, 120 нафар ёшларни иш билан таъминлаш имконини берди.

Қўшма корхонада тикувчилик ишлаб чиқаришини ҳам йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

## Рақобат бор жойда...

(Боши 1-бетда)

Рақобат бўлмаган пайтда янгиликни жорий этишнинг қизиғи пасаяди" деган сўзларни ҳам бежиз айтмаган.

Хўш, вилоятда иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

- "Вилоятни 2004-2005 ва 2010 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш" дастури бошқармамиз томонидан ишлаб чиқилган, - дейди бу саволга жавобан Ж.Ҳалимов. - "Рақобат сиёсатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар" дастури ҳам бор. Шулардан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг устунлик мавқеини бартараф этиш, инсофсиз рақобатни чеклаш, унинг олдини олиш, параллел тузилмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш, харажатларни пасайтириш, нархларнинг асосланганлиги каби қатор масалаларда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдик.

Энди бевосита рақобат бозори масаласига келсак, бултурги таҳлиллар бўйича 8 та корхона 15 та маҳсулот (хизмат) тури юзасидан давлат реестрига киритилиб, 4 та корхона тўққиз маҳсулот (хизмат) тури бўйича давлат реестридан чиқарилди.

Шу ўринда бир неча характерли мисол. Бугунги кунда вилоят аҳолиси ва халқ хўжалиги тармоқларига "Buxoro telekom" филиалининг 12 та телекоммуникация боғламаси орқали алоқа хизматлари кўрсатилмоқда. Бу бозорда "Ўздунробита", "Coscom", "Unitel" каби уяли алоқа хизматлари ҳисобидан рақобат муҳити мавжуд. Аммо тўла-тўкис рақобат муҳити шаклланган, деб бўлмайди. Чунки уларнинг хизмат кўрсатиш доираси чегараланган ва тарифлар бўйича рақобатлаша олишмайди.

Яқинда вилоятда уяли алоқа хизмат бозорини янада ривожлантириш мақсадида "Ўзбектелекоммобайл" Бухоро филиали ташкил этилиб, SESS коммутатор станцияси ишга туширилди. Япониянинг "Марубени корпорэйшн" компанияси вакиллари ўзбек ҳамкасблари билан биргаликда ишга туширган бу симсиз алоқа тизими иншооти хизмат сифатини оширибгина қолмай, рақобатни ҳам кучайтириши тайин.

Вилоятда туксизлантирилган чигит ишлаб чиқариш билан "Бухоро уруғчилик корхонаси" шуғулланмоқда. Ўзбекистон - Франция ҳамкорлигидаги мазкур қўшма корхона маҳсулоти сифатли. Аммо бу товар бозорида ҳам рақобат муҳитни яратиш фойдадан ҳоли эмас. Бошқарма "Бухоропахтасаноат" уюшмаси бошқарувига шу масала юзасидан ўз таклифларини берди.

Яна бир гап. Аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжи четдан келтирилаётган маҳсулот эвазига қондирилаётгани сир эмас. Фикримизча, вилоят ҳудудида ҳам кунгабоқар, зиғир сингари экинлар экиб, бу борада рақобат муҳитини юзага келтириш керак.

Ҳозирги вақтда нон ва нон маҳсулотлари бозорида мулкчиликнинг турли шаклидаги 35 та хўжалик юритувчи субъект ва бир нечта хусусий тадбиркор фаолият кўрсатаяпти. Бу борада кириб келаётган рақобатчиларнинг маҳсулот сифатига эътибор бериши, талаб ва таклифга қараб иш олиб бориши, маҳсулот таннархини пасайтиришга ҳаракат қилинишини йирик корхоналар ҳисобланган "Бухородонмаҳсулотлари", "Бухоронон", "Усто Ато" акционерлик жамиятларини ишлаб чиқариш технологияларини янгилашга, маҳсулот сифатини яхшилашга бўлган эътиборни кучайтиришга мажбур қилмоқда.

Кузатишлар кўрсатяптики, қайта ишлаш корхоналари томонидан ўрнатиладиган ва асоссиз пасайтирилган харид нархлари ҳисобига хўжаликлар зарар билан ишламоқда. Бундан ташқари, уларда ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ ишга солинмаслиги харажатларнинг ошишига олиб келмоқда. Чиқимлар эса тайёр маҳсулотни сотиш нархини кўтариш билан қопланяпти. Бизнингча, қайта ишловчи корхоналар акцияларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига сотиш мақсадга мувофиқдир.

Бошқарма монопол корхоналар томонидан монопол маҳсулот (иш, хизмат)лар бўйича истеъмолчилар билан тузилган шартномаларнинг тегишли қонунчилик талабларига мос келиши юзасидан инвентаризация ўтказди. Айрим ҳолларда улар томонидан монополияга қарши қонунчиликнинг 5-моддаси талаблари бузилгани аниқланди. "Бухороавтойўл" давлат акционерлик жамиятига қарашли Бухоро йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси ҳамда "Бухорогаз" ҳудудий газ таъминот корхонасига қонунчилик талаблари бузилишини тўхтатиш, шартномаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича кўрсатмалар берилди.

- Шу ўринда яна бир жиҳатга эътиборни қаратиш лозим, - дейди ўз сўзи якунида Ж.Ҳалимов. - Барча туманларимизда пилла, жун, қорамол ва қоракўл териси етиштирилади. Рангли металл чиқиндилари ҳам анча. Шу хомашёлардан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини кўпайтириш лозим. Бу хом ашёни етиштирувчилар манфаатдорлигини оширади, маҳаллий хом ашёнинг ноқонуний йўллар билан четга чиқиб кетиши ҳолатларига чек қўяди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## Элга нафинг бўлсин...

(Боши 1-бетда)

Энди айтинг, бекорчилик бор жойда барака, унум ҳақида гапириш мумкинми?! Энг ачинарлиси, уларнинг уйида иш йўқ, дейсизми ёки бола-чақасига ҳамма нарса етарли, деб ўйлайсизми? Йўқ, албатта. Бундай отадан ўғил, акадан ука, тоғадан жиян қандай ўрнак олишини эса жуда яхши биласиз.

Бирни кўриб фикр қил, иккини кўриб шукр қил, дейдилар. Шу маънода айтадиган бўлсак, бугун дунёнинг кўп жойларида қалтис, нотинч вазият юзага келиб турган бир пайтда юртимиздаги осойишталикнинг ўзи бахт. Осойишталик ҳукмрон эканки, ён-атрофимизда ўзининг тадбиркорлиги билан ҳаммани оёққа турғизиб, иш ўринлари яратиб беришга ҳаракат қиладиган кишилар кўпаяди. Аммо бурнидан нарини кўролмайдиганларнинг касрига ишбилармон раҳбарларнинг ҳам шаънига доғ тушиши ёмон. Ҳолбуки, ишлаган одам ҳеч қачон муҳтожликда қолмайди. Ҳалол меҳнати эвазига ўз истакларини рўёбга чиқараётган кишига ҳеч ким қаршилик қилмайди. Бугун тадбиркор бўламан, эл-юрт манфаати йўлида тер тўкаман, деган одамлар ниҳоятда керак. Улар нафақат ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари билан, балки иш услублари, ҳаракатлари билан ҳам бошқаларга ибрат бўлишади.

Ҳамма яхши ниятларнинг ижобат бўлиши, эзгуликлар ушалиши учун эса тинчлик сув ва ҳаводек зарур. У барқарор жойдагина келажак ҳақида гапириш мумкин, авлодлар хусусида қайғурса бўлади. Ана шу тенгсиз неъмат, шукрки, юртимизда барқарор бўлиб турибди. Осойишталигимиз учун эса ҳар биримиз ким эканлигимиздан, қайси соҳа вакили бўлишимиздан қатъий назар, пок ниятлар ила Ватанга хизмат қилишимиз керак, албатта.

Халқимизда инсон сийланган жойида азиз деган нақл бор. Шундай экан, бизни сийлайдиган замин учун ҳар қанча эзгуликлар қилсак ҳам кам. Зеро, ҳеч бир улуғлик эл-юртга наф келтирадиган меҳнатдек юқори баҳоланмайди. Шоир айтганидек, "Ватан деб жўш урар эрса, бошима кўтаргум хасни..."

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**журналист.**

